

## ХАЛҚАРО МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532827>

**Умарова Мукаддас Аббасовна,**  
ТДИУ “Статистика” кафедраси доценти и.ф.д.  
**У.А.Одилхонов**  
ТДИУ магистранти

**Аннотация:** Халқаро меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва уларни белгилаб берадиган омилларнинг таҳлили, меҳнат бозорини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда унинг фаолият кўрсаткичлари динамикаси ва структурасини статистик усуллар билан ўрганиш, ишчи кучи таклифи кўрсаткичларининг моделларини тузиш, шунингдек, иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар сонининг бир қатор омилларга боғлиқликларини аниқлашни кўзда тутади.

**Калит сўзлар:** халқаро меҳнат бозори, иш билан бандлик, ишсизлик, халқаро миграция, ишчи кучи, меҳнат унамдорлиги.

## ЭКОНОМИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНОГО РЫНКА ТРУДА

**Аннотация:** Анализ тенденций развития международного рынка труда и определяющих их факторов с использованием системы статистических показателей, характеризующие рынок труда, изучение динамики и структуры показателей его деятельности статистическими методами, создание моделей предложения труда, а также определение зависимостей численности занятых в экономике от ряда факторов.

**Ключевые слова:** международный рынок труда, занятость, безработица, международная миграция, рабочая сила, производительность труда.

## ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS OF THE INTERNATIONAL LABOR MARKET

**Abstract:** Analysis of trends in the development of the international labor market and the factors determining them using a system of statistical indicators characterizing the labor market, studying the dynamics and structure of indicators of its activity by statistical methods, creating models of labor supply, as well as

*determining the dependence of the number of people employed in the economy on a number of factors.*

**Key words:** *international labor market, employment, unemployment, international migration, labor force, labor productivity.*

### **КИРИШ.**

Миграция оқимлари йўналишида, гарчи улар гоҳида кесишадиган бўлсада, маълум бир доимийлик кузатилмоқда. Қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ҳал қилувчи роль ўйнайди, ваҳоланки, тарихий, этник ҳамда қабул қилувчи мамлакат ва донор-мамлакатлар ўртасидаги ва географик алоқалар ҳам бунга таъсир кўрсатади. Замонамизнинг ўзига хос хусусияти – иммиграция йўналишларида юзага келган сезиларли ўзгаришлар ҳисобланади.

Халқаро миграциянинг асосий оқими мана неча ўн йилликлардирки, АҚШга қараб интилган бўлса, охириги йилларда тиббиёт, компьютер дастурлари ва бошқа айрим йўналишлар бўйича Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига (Ҳиндистон, Хитой, Индонезия ва ҳ.к) интилмоқда.

АҚШда ўтган асрнинг 1970-йилларида қонуний иммигрантлар сони 4,5 млн. кишига етди ва олдинги ўн йилликка нисбатан 33% ошган. 1980-йилларда иммиграция кўлами янада ўсди ва мамлакат аҳолиси ўсишининг 39%и иммигрантлар ҳиссасига тўғри келди. Ўша даврда мамлакатга 6 млн. қонуний ва 2 млн. ноқонуний иммигрант кириб келди. 1990-йилларнинг биринчи ярмидан ҳозирги давргача иммиграция жараёни пасаймади.

### **АСОСИЙ ҚИСМ.**

Мигрантларни жалб қилишнинг яна бир йирик маркази - 1950-йиллардан бошлаб бу минтақа мамлакатларини иммиграция учун жозибадор ҳудудларга айлантирган Ғарбий Европадир. Унинг биринчи тўлқини Африка, Осиё ва Кариб денгизининг собиқ мустамлакачи мамлакатларидан кузатилган. 1990-йилларнинг бошларида собиқ социалистик тузим барбод бўлиши туфайли Шарқий Европадан иммигрантлар оқими сезиларли даражада ошди. Австрия ва Буюк Британия каби мамлакатларда миграцион ўсиши унинг умумий ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди, Германия эса иммиграция орқали умумий аҳолининг табиий камайишини қоплай бошлади.

Ғарбий Европада хорижий ишчи кучининг ўртача йиллик ўсиши 600 минг кишини, оила аъзолари билан бирга эса – камида 1,3 млн кишини ташкил этади. Бугунги кунда Европада иммигрантлар сони бўйича Германия (6 млн.), Франция (4 млн.) ва Буюк Британия (3 млн.) етакчилик қилмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> <https://www.ilo.org>

Мигрантларни жалб қилишнинг минтақавий марказларидан бири Австралиядир. Австралияда 1991-2022 йилларда ўрта (йиллик) миграцион ўсиш 93,0-224,6 минг кишини ташкил қилган<sup>2</sup>.

Охирги йилларда иммиграция кўлами бўйича етакчиликнинг АҚШдан Германияга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат миграция мусбат сальдоси мамлакатнинг географик жиҳатдан Европа марказида жойлашганлиги, шунингдек, махсус кириш режими берилган, келиб чиқиши немис миллатига мансуб бўлган кишиларнинг Марказий ва Шарқий Европа ҳамда собиқ иттифоқ мамлакатларидан қайтиб келиши билан изоҳланади. 1991 йил собиқ Югославияда уруш бошланиши Германияга қочоқлар оқими кучайишига олиб келди, худди шу ҳолат собиқ Югославия билан қўшни давлатлар: Австрия, Греция ва Италияда ҳам қайд этилди.

Умуман, миграция оқимлари йўналишида, гарчи улар гоҳида кесишадиган бўлса-да, маълум бир доимийлик кузатилмоқда. Қабул қилувчи мамлакатнинг ва донор мамлакатлар ўртасидаги тарихий, этник ва географик алоқалар ҳам муҳим бўлса-да, қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари жуда муҳим.

Айни пайтда, халқаро миграция ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва меҳнат бозорида кескинлик юзага келтириши мумкин. Шу муносабат билан кўпчилик ривожланган мамлакатлар миграция сиёсатида миллий иқтисодиёт ва туб аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадида чоралар киритмоқда.

Масалан, 1990 йил ноябрдан кучга кирган иммиграция тўғрисидаги қонунга кўра, 1995 йилдан бошлаб АҚШга кириш йилига 675 минг кишидан ошмаслиги лозим. Қонун АҚШга иш излаб келган шахсларга нисбатан ҳам квота белгилайди – йилига 140 минг киши – бу эса хорижий ишчи кучига расмий талаб кўрсаткичи сифатида кўриб чиқиши мумкин. Аммо, мутахассислар учун электрон техника бўйича истисно кўзда тутилган бўлиб, унда эҳтиёж фақат 50 % кондирилади<sup>3</sup>.

**Натижалар.** Бугунги кунда дунёда, биринчи навбатда, Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг кучайиши халқаро меҳнат бозорининг шаклланишининг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Ҳозирги пайтда ЕИда миллий меҳнат бозорларини бирлаштириш борасида юқори натижага эришилган. Хусусан, ЕИда ёлланиб ишлайдиган барча шахслар умумий иш

<sup>2</sup> <https://www.ilo.org>

<sup>3</sup> [https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr\\_2020-ru.pdf](https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf). Доклад о миграции в мире 2020.

билан бандлик ҳақида ҳужжат олиб, унда фақат иш берувчи, иш жойи ва муддати, иш ҳақи, шунингдек, ижтимоий суғурта тури кўрсатилади<sup>4</sup>.

### 1-жадвал

#### Ривожланган мамлакатларда аҳоли ҳаракати кўрсаткичлари<sup>5</sup>

(минг киши)

Мамлакатлар	Аҳоли ҳаракати кўрсаткичлари	1991 й.	1995 й.	2016 й.	2018 й <sup>6</sup>	2019 й	2022 й
А	Б	1	2	3	4	5	6
Австрия	Умумий кўшимча ўзгариш шу жумладан:	70,0	12,2	94,0	31,0	31,1	32,6
	табiiй ўзгариш	12,0	...	0,0	1,1	1,1	1,2
	миграцион ўзгариш	58,0	...	94,0	29,9	30,0	31,4
Германия	Умумий кўшимча ўзгариш шу жумладан:	580,9	279,0	662,1	51,2	51,3	52,7
	табiiй ўзгариш	-81,0	-120,0	-255,3	-200,9	-201,1	-206,9
	миграцион ўзгариш	661,9	399,0	917,3	252,2	252,3	259,6
Буюк Британия	Умумий кўшимча ўзгариш шу жумладан:	301,0	198,0	466,7	412,9	415,4	430,5
	табiiй ўзгариш	147,0	90,0	177,1	226,8	228,2	236,5
	миграцион ўзгариш	154,0	108,0	289,6	186,1	187,2	194,0
Австралия	Умумий кўшимча ўзгариш шу жумладан:	218,9	217,0	360,0	390,4	396,5	409,6
	табiiй ўзгариш	125,9	112,0	174,3	169,3	171,9	177,6
	миграцион ўзгариш	93,0	105,0	185,7	221,1	224,6	232,0

ЕИ мамлакатларида «умумий Европа» яратиш муддати яқинлашганлиги сабабли бу жараённинг ишчи кучи бозори учун эҳтимолий оқибатлари масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб, шу сабабли ишчи кучи миграцияси соҳасида самарали ҳамкорлик йўналишларини ишлаб чиқиш учун Ғарбий Европа мамлакатларининг ушбу масала бўйича қарашларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Еврокомиссия яқин вақт ичида миграцион сиёсатнинг янги режасини эълон қилади. Хусусан, унда ЕИ давлатларига муҳожирлар қабул қилиш бўйича квоталар берилиши мумкин. Квотанинг ҳажми йилига 20 минг кишини ташкил қилиши мумкинлиги айтилган.<sup>7</sup>

Ишчи кучи миграциясининг қабул қилувчи мамлакатлар ва донор-мамлакатлар меҳнат ресурслари таркибига таъсири турлича эканлиги яққол кўриниб туради. Бу ўз навбатида, меҳнат бозорида янги вазиётни келтириб чиқаради, бу эса кўплаб мамлакатларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида жиддий, ҳар доим ҳам ижобий бўлмаган ўзгаришларга олиб келади. Бугунги кунда ушбу масалани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

<sup>5</sup> World Development Indicators 30.01.2019

<sup>6</sup> <https://countrymeters.info/ru>.

<sup>7</sup> <https://kun.uz/91694>

«Ақлларнинг оқиб кетиши»нинг АҚШ иқтисодиётига ижобий таъсири ҳақида жуда кўп ёзилган, чунки иммигрантлар таркибида маълумоти ва малакавий даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар рўй берган. Масалан, 1980-йилларда АҚШ олий маълумотга эга бўлган 1,5 млн кишини қабул қилган. Шунини айтиш жоизки, бу даврда АҚШ меҳнат бозорига чиққан муҳандислик ва компьютер фанлари фан докторларининг 40 %и, шунингдек, ОТМларда техник фанлар ўқитувчиларининг 25 %и ҳам иммигрантлар бўлган. Фақат 1993 йилда АҚШга хориждан 23,5 минг нафар олим ва муҳандис кириб келган. 1990-йиллар ўрталарида бу ерда 11 млн. иммигрант яшаган. АҚШ ҳар йили иммигрантларга ижтимоий ёрдам учун 5 млрд. доллар сарфлайди. Шу билан бирга, АҚШнинг илм-фан, тиббиёт ва санъатга юқори малакали иммигрантларнинг ҳиссаси жуда катта.

Ривожланаётган мамлакатлардан келган кўплаб олимлар ўз малакасини ошириб, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда ишлаб, ўз ватанида илмий мактаблар ва йўналишлар очишга муваффақ бўлишди. Нафақат олимлар, балки бошқа касб вакиллари – бошқарувчилар, шифокорлар, қурувчилар, малакали ишчилар малакаларини эгаллаб, молиявий ҳолатини барқарорлаштиригандан сўнг, ўз мамлакатларига қайтишди. Шундай қилиб кўплаб хитойликлар, корейслар, югославлар, турклар, ҳиндлар ўз мамлакатларига янги билимлар ва кўникмаларни ва ўз оилаларига эса фаровонлик олиб келишди. XX аср охирига келиб, халқаро ишчи кучи миграцияси глобал жараёнининг ажралмас қисми – иқтисодий ҳаётни байналмилаллашувига айланди. Ҳар қандай бошқа турдаги иқтисодий ресурслар сингари, меҳнат салоҳияти ҳам биринчи навбатда нафақат бир мамлакат ҳудудидан, балки бутун жаҳон иқтисодиётидан унумли фойдаланишга қаратилган.

Аҳоли миграцияси кўрсаткичларининг динамикасини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, аниқланган тенденциялар ҳар доим ҳам ишчи кучи миграцияси кўрсаткичларига мос келмайди. Бироқ кўплаб ривожланган мамлакатларда меҳнат миграцияси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш учун осон иш эмас. Шу нуқтаи назардан, меҳнат миграцияси кўрсаткичларини ҳисоблаш асосан бир қатор мамлакатларнинг эксперт баҳоларига асосланади. Халқаро меҳнат миграциясининг статистик таҳлилининг кенг миқёсда ўрганишга салбий таъсир кўрсатадиган сабаблардан яна бири мамлакатларнинг БМТ Статистика комиссияси иммиграция ва эмиграцияни муддати ва мақсадлари бўйича таснифлаш бўйича тавсияларига амал қилмаслигидир.

Ривожланган мамлакатлар орасида миграция борасида Япония алоҳида ўрин тутади. Нисбатан кичик майдонга (377,9 минг. км<sup>2</sup>) ва аҳоли зичлиги жуда юқори (333,6 киши/кв.км) бўлган бу мамлакат урушдан кейинги даврда

иммиграцияни чеклаш ва эмиграцияни рағбатлантириш сиёсатини олиб борган. 1986 йилдан бошлаб, Япония ташқи миграция сальдоси манфий бўлиб қолди. 2010 йилдан бошлаб унинг аҳолиси камайиши бошланди. Агар 2010 йилда ўртача йиллик аҳоли сони 128,1 млн. кишига етган бўлса, 2022 йилда аҳоли сони 125,1 млн. кишини ташкил қилди, ёки 2,3 %га (3,0 млн.) камайган.

2- жадвалдан кўриниб турибдики, табиий ўсишнинг манфийлиги ҳамда ташқи миграция сальдосининг пасайиши туфайли Япония аҳолиси камайиб бормоқда.

## 2-жадвал

### Япония аҳолиси ҳаракати кўрсаткичлари<sup>8, 9</sup>

(минг киши)

Йиллар	Ўртача аҳоли сони	Умумий ўзгариш	жумладан	
			табиий	механик
А	1	2	3	4
1980	116 807	906	894	12
1985	120 837	724	714	10
1990	123 478	408	417	-9
1995	125 472	247	297	-50
2000	126 843	1439	218	1221
2005	127 773	12	-13	25
2010	128 070	23	-128	151
2015	127 141	-135	-292	157
2020	126 261	-149	-219	70
2022	126 219	-149	-218	69

Бундан кўриниб турибдики, аҳоли сони ва табиий ўзгариши 2005 йилдан бошлаб, пасая бошлади, механик ҳаракатида эса аксинча, бу иммиграциянинг юқори даражасини кўрсатади. Бу, хусусан, Жанубий Корея, Хитой ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳисобидан содир бўлмоқда. Шундай қилиб, агар 1980 йилда чет элликларнинг Япония умумий аҳолисидаги улуши 0,67 % бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 1,08 %, 2003 йилда 1,5 %<sup>10</sup> (1,36 млн. киши), 2005 йилда 1,1 % (2,0 млн. киши) ва 2015 йилда 1,6 % (2,0 млн. киши), 2022 йилда 2.9% (3.6 млн.киши) ташкил қилди.

Халқаро меҳнат бозорини тавсифлаш учун, асосан, алоҳида мамлакатлар ёки уларнинг гуруҳлари маҳаллий меҳнат бозорлари йиғиндиси ҳисобга олинади, унинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишда, асосий эътибор

<sup>8</sup> World Development Indicators 30.01.2019

<sup>9</sup> [https://countrymeters.info/ru/Japan#population\\_2018](https://countrymeters.info/ru/Japan#population_2018)

<sup>10</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>



саноати ривожланган мамлакатлар аҳолисининг иқтисодий фаоллигига қаратилади.

3-жадвал маълумотларида, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларга энг катта иқтисодий босим Буюк Британияда, энг кичик босим эса Японияда қайд этилган. Хусусан, 1990-йилларда Буюк Британия ва Японияда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар 1000 кишига мос равишда меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги 532 ва 435 киши тўғри келган, 2022 йилда эса ушбу давлатларда 512 ва 562 киши тўғри келган..

**3-жадвал**

**Ривожланган мамлакатларда аҳолини меҳнат юкламаси кўрсаткичлари<sup>11</sup>**  
(%)

Меҳнат юкламаси кўрсаткичи	Мамлакатлар	Йиллар								
		1990	1995	2000	2005	2010	2015	2019	2020	2022
А	Б	1	2	3	4	5	4	5	6	7
Меҳнат ўрнини қоплаш коэффициенти	АҚШ	330	337	329	313	302	291	284	283	300
	Япония	265	234	217	208	208	213	212	210	205
	Франция	305	300	284	298	286	292	288	287	286
	Германия	231	238	231	216	206	202	213	217	201
	Буюк Британия	291	301	292	272	265	272	277	278	263
Пенсия юкламаси коэффициенти	АҚШ	192	194	187	184	194	221	248	256	197
	Япония	170	206	249	295	351	427	471	481	357
	Франция	213	232	247	253	259	261	330	337	259
	Германия	216	227	243	283	312	324	334	337	312
	Буюк Британия	241	246	244	243	251	279	290	293	249
Умумий меҳнат юкламаси коэффициенти	АҚШ	522	531	516	497	496	512	532	539	497
	Япония	435	440	466	503	559	640	683	691	562
	Франция	518	532	531	551	545	553	618	624	545
	Германия	447	465	474	499	518	526	547	554	513
	Буюк Британия	532	547	536	515	516	551	567	571	512

<sup>11</sup> <https://knoema.ru/>

Барча ривожланган мамлакатлар учун меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик шахсларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдан катталарга нисбатан иқтисодий босим катталиги тенденцияси хосдир. Бунда агар АҚШда 1990-йилларда бу кўрсаткич 71,9 % ни ташкил қилган бўлса, Япония, Франция, Буюк Британия ва Германияда бу кўрсаткич анча паст бўлиб, мос равишда 55,9%, 43,2%, 20,7% ва 6,9% ни ташкил қилган. Бошқа мамлакатларга қараганда, Германияда бу кўрсаткичнинг пастлиги аҳолининг регрессив тузилмаси, шунингдек давом этаётган туғилиш кўрсаткичлари даражасининг пасайиши ва доимий яшашга келаётган шахслар сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлганлар улушининг юқорилиги билан изоҳланади.

**Хулоса.** Халқаро меҳнат бозори таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

Ривожланган мамлакатлар бўйича ўтказилган статистик таҳлилда аҳолини умумий ҳаракати бўйича Австрия ва Германияда, Буюк Британия ва Австралияда, Францияда, айниқса, АҚШда ижобий тенденциялар мавжуд. Бу ҳолатни пайдо бўлишига энг кучли таъсир кўрсатган омил - аҳолининг механик ҳаракати ҳисобланади..

Статистик таҳлил даврида янги тенденция пайдо бўлди, яъни ривожланган мамлакатларга “Ақлларни оқиб кетиши”. Ҳисоб-китобларга қараганда, Ўзбекистондан бошқа давлатларга кетган ва ўқишни тугатиб қолиб кетганлар сони ярим миллиондан ошди. Кейинги беш йилда, кўп бўлмаса-да, Ўзбекистонга қайтиб келиш суръати ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Халқаро меҳнат бозорини статистик баҳолашда, меҳнат юкламаси ҳаракатини ўрганиш жуда муҳим. Ушбу кўрсаткич бўйича меҳнат ўрнини қоплаш коэффициенти барча ривожланган мамлакатларда пасайиш, пенсия ва умумий меҳнат юкламаси коэффициентлари эса ўсиш тенденциясига эга. Ишсизликни ўсиши мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади, яъни, ЯИМнинг камайишига олиб келади. Бизни ҳисоб-китобимиз бўйича, ушбу омил ҳисобидан йўқотиш ЯИМга нисбатан 2019 йилда Францияда 13,4%, Буюк Британияда 9,5%, Германияда 9%, АҚШда 5,9 % ва Японияда 3,2 фоиз ташкил этади. Бу дегани, фақат АҚШда 819,2 млрд. АҚШ \$ доллари миқдорда даромад ишсизлик сабабли йўқотилган.

#### **АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):**

1. Statistika:Darslik/X.A Shadiyev, I.Xabibullayev taxriri ostida.-Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2013.-384 b
2. Экономика труда / Под ред. М.А. Винокурова, Н.А. Горелова .- Спб.: Питер, 2004. – 656 с. С. 19.



3. Ванкевич Е.В. Экономические проблемы становления рынка труда. – Минск: Мисанта, 1996. – 68 с. С. 17.
4. Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. М.: Международные отношения, 1991. – 184 с.
5. Маслова И.С. Российский рынок труда: монография / И.С. Маслова, В.М. Москович, Т.А. Бараненкова, Е.С. Кубишин ; [Отв. ред. Маслова И.С.]; Рос. акад. наук. Ин-т экономики. - Москва : [б. и.], 1993. - 189 с.
6. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: «FAN», 2019 йил. - 670 б.
7. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлар доктори диссертациясининг автореферати. Т., 1998.– 46 б.
8. Мўминов Х.И. Бухоро вилоятида меҳнат бозорини шакллантириш ва унинг фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. Т., 2008. – 148 б.
9. Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т., – 2012 – 39 б.
10. Umarova M.A The issues of statistical observation of labor force migration// International Conference on Eurasian Economies 18-20 June 2018 – Tashkent, UZBEKISTAN.